Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 сентябрь, якшанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 173 (921)

ҚАБУЛЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

1 сентябрь куни шаҳримиз марказидаги қадимий ва кўркам бинода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

Ўзбекистон раҳбари тадбирга тўпланган хорижий дипломатлар мамлакатимиз мустақиллиги байрами билан қутлади.

— Ўзига хос меъморий қиёфага эга бўлган бу бино бой тарихга эга, — деди юртбошимиз. — У 1890 йилда барпо этилган. Кўриб турганингиздек, бино таъмирлардан сўнг янгича чирой касб этди. Эндиликда у халқаро учрашувлар масканига айланади.

Шундан сўнг Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва галдаги вазифалар ҳақида гапирди. Энг асосий вазифалар мамлакатда ва минтақада тинчлик ҳамда осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш эканлигини таъкидлади.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна чет эл дипломатлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштироқ этди.

(ЎзА).

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

2 сентябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Давлат солиқ комитетининг "Ёнилғи-мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори "Ўздавнефтмаҳсулот" акционерлик бирлашмасида қандай бажарилаётганини текшириш натижалари кўриб чиқилди. "Ўзпаррандачиликсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзозиқовқатсаноат" акционерлик концерни корхоналарида, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида, шунингдек, Самарқанд ва Навоий вилоятларида нефть маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи муҳокама қилинди. Текшириш чоғида аниқланган нуқсонлар кўпгина корхоналар ва хўжаликларда ҳам учраши ва бу нуқсонлар раҳбарларнинг, мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги натижаси эканлиги таъкидланди.

Нефть маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган 729 иншоот (нефть базалари, доимий ва кўчма автомобилга ёнилғи қуйиш станциялари) текширилган бўлса, шундан 472 тасида тартибни бузиш ва суиистеъмоллар аниқланган. Текшириш натижаларига доир 22 материал ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди. 200 дан ортиқ материал эса текширишга топширилди. Текшириш ўтказилган иншоотларда 51 минг литрдан ортиқ автомобиль бензини камлиги аниқланди.

Нефть маҳсулотларини ғайриқонуний йўл билан республикадан ташқарига олиб кетиш давом этмоқда. 13 августдан 16 августгача 55 та ана шундай ҳодисага дуч келинди. Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 25 тонна нефть маҳсулоти ушлаб қолинди.

Нефть базалари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари ишидаги камчиликлар учун нефть базаларининг 12 директори ҳамда "Ўздавнефтмаҳсулот" давлат акционерлик бирлашмаси бўлинмаларининг 71 ходими вазифасидан четлатилди. 20 дан ортиқ раҳбар ва 54 ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Нефть омбори хўжалигини ташкил этишдаги лоқайдлик оқибатида "Ўзпаррандачиликсаноат" корхоналарида ҳар йили 150 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари нобуд бўлмоқда. 30 тонна нефть маҳсулоти эса, асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташланган.

"Ўзпаррандачиликсаноат" нефть маҳсулотлари учун қўшимча фонд ажратишни қайта-қайта илтимос қилаётган бир пайтда унга қарашли корхоналар нефть маҳсулотларини бошқа ташкилотларга бериб юбормоқда.

"Ўзозиқовқатсаноат" корхоналарида ёнилғи қуйиш ускуналарининг ҳолати талабга жавоб бермайди, уларда ускуналарнинг атрофини ўраш ва ёнғиндан хавфсизлик, шунингдек метрологик жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаган.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг ерда ишлайдиган хизматларида бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш давом этмоқда. Йилнинг биринчи ярмидагина бир ярим тоннадан ортиқ автомобиль ёнилғиси асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилган. Бу ҳол Тошкент аэропортида юз берган бўлиб, бу ерда автотранспорт ишига ёнилғи сарфи меъёрини ошириб кўрсатиш ҳисобига автобензин ва дизель ёнилғини ҳисобдан чиқариб ташлаш ҳоллари юз бермоқда. Навоий аэропортида 17 тоннадан ортиқ ёнилғи чет ташкилотларга бериб юборилган. Бу ерда 4 тоннадан ортиқ ёнилғи етишмаслиги аниқланди.

Самарқанд вилоятининг текшириш ўтказилган корхоналари ва хўжаликларида нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш қоиқарли аҳволда эмас, уларнинг кўпида мавжуд маҳсулотлар ҳар ойда текширилмайди. Нефть маҳсулотларидан фойдаланиш учун меъёрий ҳужжатлар йўқ. Нефть омборларининг ҳолати эса, техникавий фойдаланиш ва ёнғиндан хавфсизликни таъминлаш қоидалари талабларига мос келмайди. Шунингдек, нефть маҳсулотларининг сифати бузилиши ҳоллари юз берган.

Навоий вилояти корхоналари ва хўжаликларида ҳам аҳвол ана шундай. Бу вилоятда спидометрлари носоз автотранспортдан фойдаланиш давом этмоқда, машиналарнинг ишини ҳисобга олиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Комиссия нефть маҳсулотларидан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликларни тугатишнинг аниқ чораларини белгилади. Тегишли раҳбарларга масъул кишиларнинг шахсий жавобгарлигини кўриб чиқиш, нефть маҳсулотларидан фойда-ланишда масъулиятсизликка йўл қўйилгани учун уларни вазифасидан четлаштиришгача жазолаш тавсия этилди.

Комиссия нефть маҳсулотлари сарфининг амалдаги меъёрининг тўғрилигини текширишни, нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва бу ишда ҳисобот тўғрисидаги йўл-йўриқларни ишлаб чиқиб, ташкилотларга етказишни таклиф қилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, Ю. Пайғин иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши кўзда тутилмоқда:

1. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳисобот давридаги иши тўғрисида.
2. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси лойиҳаси тўғрисида.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳаси тўғрисида.
6. "Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекси лойиҳаси ҳақида.
8. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида.
9. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.

***

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар мухокамасига Олий Кенгаш ваколатига берилган бошқа масалалар ҳам киритилиши кутилмоқда.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Республикамиз умуммиллий байрами доирасида 1 сентябрь куни Германия Федератив Республикаси пойтахти Бонн шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Пештоқида давлатимиз герби салобат тўкиб турган, байрамона безатилган Ўзбекистоннинг Европадаги биринчи элчихонаси (Германиядан ташқари Австрия Республикаси ва Нидерландия қироллиги ҳам шу элчихона дипломатик округига киради) шу куни эрталабдан бошлаб кўп сонли меҳмонларни кутиб ола бошлади.

Соат 12 да куннинг муҳим воқеаси — республикамиз элчихонасининг тантанали очилиши ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги шарафига қабул маросими бошланди. Маросимда иштирок этиш учун Германия ҳукуматининг расмий вакиллари — давлат вазирлари Х. Шефер, В. Хердтль, Германия бундестаги депутатлари, вазирликлар ва давлат идораларининг масъул ходимлари, ишбилармонлар ва жамоатчилик доираларининг кўзга кўринган вакиллари ташриф буюрди. Маросимда, шунингдек, Боннда дипломатия ваколатхоналарининг намояндалари ҳам иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси С. Сафоев ва Германия Федератив Республикаси давлат вазири Х. Шефер табрик нутқи сўзладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йил апрель ойидаги Германияга ташрифи Ўзбекистон — Германия муносабатларида алоҳида яхши муҳит яратгани, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш йўлидаги ниятларни изчиллик билан амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор қўйгани таъкидланди.

Давлат вазири Германия раҳбарияти номидан республикамиз халқи, унинг раҳбариятини миллий байрам муносабати билан самимий табриклаб, мамлакат ҳаётидаги ўтиш даврининг мусъул вазифаларини ҳал этишда муваффақият тилади.

Сўнгра элчихона биносида Ўзбекистон Республикаси байроғини кўтариш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари ижро этилди.

Элчихонада журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Германиянинг етакчи газеталари, телевидение ва радиоси, ахборот агентликларининг мухбирлари иштирок этди.

Шу куни "Германия — Ўзбекистон" жамиятида ҳам республикамиз миллий байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1994 йил 2 сентябрь куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган олти банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 1,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 12 сўм даражасида қайд этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 3 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиладн. х/

1 Австралия доллари	8,91
1 Австрия шиллинги	1,08
1 Англия фунт стерлинги	18,54
10 Бельгия франки	3,70
1 Голландия гульдени	6,79
10 Греция драхми	0,50
1 Дания кронаси	1,93
1 АҚШ доллари	12,00
1 Миср фунти	3,55
1 Ирландия фунти	18,28
1 Исландия кронаси	0,17
10 Испания песети	0,92
100 Италия лираси	0,76
1 Канада доллари	8,79
1 Қувайт динори	40,24
100 Ливан фунти	0,72
1 Германия маркаси	7,62
1 Норвегия кронаси	1,74
10 Португалия эскудоси	0,75
1 Сингапур доллари	8,00
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	2,36
1 Франция франки	2,23
1 Швеция кронаси	1,56
1 Швейцария франки	9,07
1 ЭКЮ	14,55
10 Япония иенаси	1,20
1000 Россия рубли	5,45
1 Эстония кронаси	0,95
1000 Украина карбованеци	0,59
1 Латвия лати	21,90
1 Литва лити	3,00
1 Қозоғистон тенгеси	0,26
1 Молдова лейи	2,88
1000 Беларусь рубли	3,16

*/—Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 3 сентябрдан бошлаб махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қўйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 18 сўм.
— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 18 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан воситачилик ҳақи олинади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан Сизни ва барча ўзбекистонликларни Америка халқи номидан табриклайман. Янги мамлакатингизнинг эркин, гуллаб-яшнаётган, демократик жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини Қўшма Штатлар қатъий қўллаб-қувватлайди. Бу мақсад буюк тарихингизга муносибдир. Иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлидан олға бориб, ҳам бизнес, ҳам ғоялар соҳасида эркин бозорни вужудга келтириш борасида ишлаб, ўзингиз ва фарзандларингиз учун порлоқ келажакни таъминлашга ёрдам бермоқдасиз.

Самимий ҳурмат билан,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан Сизга, жаноби олийлари, самимий қутловларимни йўллашдан ҳамда шахсан ўзингизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига фаровонлик тилашдан мамнунман.

АКИХИТО,
Япония императори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига Федерал Кенгаш номидан самимий қутлов йўллаш, Сизга бахт-саодат ва мамлакатингизга фаровонлик тилаш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Отто ШТИХ,
Швейцария Конфедерацияси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами муносабати билан Лаос Халқ Демократик Республикаси ҳукумати, Лаос халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқалар халқларимиз манфаати ҳамда дунёда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлида бундан буён ҳам ривожланаверишига ишончим комил.

Энг эзгу тилаклар ила,

Нухак ФУМСАВАНХ,
Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий байрамини нишонлаётган шу кунларда Сиз, жаноби олийларига бўлган эҳтиромимни изҳор этаман ҳамда Сизга, мамлакатингизга, ватандошларингизга бахт-саодат тилайман.

Халқингизга инсон шаъни, маънавий ва ахлоқий қадриятларни иззат-ҳурмат қилиш асосига қурилган биродарлик жамиятини барпо этиш йўлида улкан сабр-бардош ёр бўлсин.

Иоанн Павел II
Рим Папаси.
Ватикан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами кунида Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати Сиз, жаноби олийларига, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига самимий табрик йўллайди.

Ўзим эса, фурсатдан фойдаланиб, Сизга қизғин салом йўллайман ҳамда мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингизнинг янада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашини тилайман.

Ал Ҳасан ибн ТАЛОЛ,
Иордания Подшолиги регенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман ҳамда шахсан Сизга, бутун қардош ўзбек халқига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,
Гейдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Қирғизистон Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрик йўллайман. Ўзбекистон мустақил тараққиёт, давлат истиқлолини мустаҳкамлаш ва ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини вужудга келтириш йўлидан дадил олға бормоқда. Миллий валюта — сўмнинг жорий этилиши шу йўналишдаги яна бир қадам бўлди. Ўзбекистон МДҲ доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқда, айни шу сабабли сиз Ўрта Осиё давлатлари ягона иқтисодий маконини барпо этиш ташаббускори бўлдингиз. Халқаро майдонда ҳам Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошиб бормоқда. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбимдан бахт-саодат ва муваффақият, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — қардош ўзбек халқининг дўстларига қувонч бағишлайдиган мустақиллик куни тожик халқи номидан, Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши ва шахсан ўз номимдан Сизни самимий табриклашга ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этишга имконият беради. Мамлакатларимиз ўртасида тез ва изчил ривожланиб бораётган, халқларимизнинг кўп асрлик бунёдкорона тинч-тотув яшаш анъаналарига мос келадиган дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларига Тожикистонда алоҳида аҳамият беришади.

Биз Тожикистонда тинчлик ва осойишталикни тиклаш ишида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шахсан Сизнинг тутган қатъий йўлингизни ҳамда биз учун қийин даврда ўзбек биродаримизнинг мададини юқори баҳолаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жанобий олийлари!

Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Энг эзгу тилаклар ила,

Гортон де МОНД,
Халқаро молия корпорациясининг Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги сармоялар бўйича катта эксперти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги кунида раҳбарлигингиз остида эришилган муваффақиятлар билан Сизни чин қалбдан табриклайман ҳамда Ўзбекистоннинг бундан буёнги равнақи йўлида энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Камоли эҳтиром ила,

Эвелин дэ РОТШИЛЬД,
"Ротшильд энд Санс" компанияси раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Ушбу мактуб орқали Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан шахсан ўзингизга ва Ўзбекистон Республикасининг эркпарвар халқига самимий табрикларимни изҳор этмоқчиман.

Америка Техника институти ходимлари ва Теннеси штати халқи Ўзбекистон халқига эркин иқтисодиёт асосида эркин демократик жамият қуришдек олий мақсади йўлида улкан муваффақият тилаётганини ҳам маълум қиламан.

Биз, шунингдек, Сизга ва оилангизга сиҳат-саломатлик ҳамда ўзбек халқини кўзлаган мақсадига етказишингиз учун чексиз куч-қуввт тилаймиз.

Энг эзгу тилаклар ила,
Д. У. ЖОНС,
Америка Техника институти президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли жаноб Президент, Сизни ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этаман. Уч йилдан кўпроқ вақтдан буён самарали ва истиқболли ҳамкорлик йўлидан бораётганимиздан ғоят фахрланамиз.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат эканига ишонамиз. Сизга ва мамлакатингизга тинчлик ҳамда равнақ тилаймиз.

Ҳурмат билан,

Рональд КЕМБРИ,
"Ньюмонт майнинг" корпорацияси президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизга самимий ҳурматимни изҳор этиб, Сиз юборган совға — гижжакни император саройи орқали Япония валиаҳди Нарухито ҳазрати олийларига топширганимизни маълум қиламан.

Валиаҳд шаҳзода Нарухито Сизнинг эътиборингиз ва ҳайриҳоҳлигингизлан жуда мамнун бўлгани ва мутахассис сифатида қадимий тарихий илдизга эга мазкур мусиқа асбобини юқори баҳолагани ҳақида хабар олдик.

Президент жаноблари, валиаҳд шаҳзода Нарухито бу қимматбаҳо халқ чолғу асбоби учун шахсан Сизга самимий миннатдорлик билдиришни илтимос қилиб, уни узоқ йиллар авайлаб асрамоқчи эканини айтди.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга зўр ҳурматимни изҳор этаман ва чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Укеру МАГОСАКИ,
Японияниинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Аҳолига сотиладиган автомобиль бензини чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида

Нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари нархларининг ошиб бораётганлиги муносабати билан ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 5 сентябридан бошлаб аҳолига сотиладиган автомобиль бензинининг чакана нархи 1 литри учун 3 сўм миқдорида белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги белгилайдиган рўйхатлар бўйича уруш қатнашчилари ва фахрийлари, уруш ва меҳнат ногиронларига ойига белгиланган 50 литр автобензинни чакана нархларнинг 50 фоизи даражасида имтиёзли нархларда сотиш нормаси сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бензиннинг янги чакана нархлари прейскурантини тасдиқласин, уни ҳамда қайта баҳолаш бўйича кўрсатмаларни барча манфаатдор ташкилотларга етказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июлдаги 385-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри
1994 йил 2 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ун ва булка нонинг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида

Донни сотиб олиш, уни ташиш ва қайта ишлаш нархларининг ошиб бораётганлиги муносабати билан, шунингдек, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ун ва нондан тежамли ҳамда оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 5 сентябридан бошлаб 1 килограмм уннинг чакана нархи ўртача 3,50 сўм ва 1 килограмм булка нонинг чакана нархи 3,0 сўм этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

уннинг ва булка нонинг чиқарилаётган турларини ҳисобга олган ҳолда янги чакана нархларининг прейскурантларини, шунингдек, донни ва унни қайта баҳолаш тўғрисидаги кўрсатмани манфаатдор вазирликларга ва идораларга етказсин;

ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари чакана нархларининг асосли шакллантирилиши устидан қатъий давлат назоратини таъминласин.

3. Ун, нон ва нон-булка маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни тенглаштириш, истеъмол бозорида бу маҳсулотларга мувозанатлаштирилган нархларни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси билан биргаликда бир ой муддатда ун ва булка нонинг шартнома (эркин) нархларига ўтиш масаласини кўриб чиқсин ва ҳал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июлдаги 384-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри
1994 йил 2 сентябрь.

ЮРТИМ БЎЙЛАБ КЕЗАР ИСТИҚЛОЛ РУҲИ

Мамлакатимиз пойтахтининг Мустақиллик майдонидан бошланган байрам тантаналари эртасига республикамизнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб давом этди

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Мустақиллик майдони. Истиқлол номи билан аталувчи бош майдон эрта тонгданоқ тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари билан гавжум бўлди. Байрам либосига бурканган майдон узра миллий байроғимиз мағрур ҳилпираб, қалбларга шуқуҳ бахш этади. Миллий рамзларимиз туширилган улкан ҳаво шарлари ва уларга етишга интилаётган шаффоф фавворалар байрам тантаналарига ўзгача ҳусн бериб турибди.

... Соат 10. Анъанавий карнай-сурнай садолари янграйди. Одамлар оқиминнинг ниҳояси йўқдек. Майдондаги катта саҳнада Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармониясининг жамоалари байрам концертини бошлаб берди. Дастлаб "Шодлик", сўнгра "Зарафшон", "Лазги" ва уйғур ансамбли санъаткорлари халқ ҳизматида бўлди.

Ўзбекистон миллий боғи. Улуғ бобомиз Навоийнинг муаззам ҳайкали пойидаги икки чархпалак курраи азим янглиғ тинимсиз айланади. Ватан ва миллат деган тушунчаларнинг боқийлигини таъкидлаётгандек бўлади. Шоир зиёратига келган гурас-гурас сайлчиларнинг чеҳрасида балқиган қувонч ҳам шундан дарак беради. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамбли хонандаларининг хонишлари эса дилларга сурур бағишлайди.

Сайлчилар зиёратдан сўнг миллий боғ сари йўл олади. Боғ ўртасидаги кўлда бўлаётган қайиқчилар мусобақаси, ёш ихтирочиларнинг турли кўргазмалари ва бошқа қизиқарли томошалар, айниқса, "Водил чинори" номли миллий цирк гуруҳи, полвонлар, дорбозлар маҳорати, Самарқанд вилоятидан келган халқ фольклор ансамблининг ашула ва рақслари томошабинларни хушнуд этади.

Амир Темур хиёбони. Пойтахтимизнинг сўлим қадамжоларидан бири ҳар галгидан гавжум, файзли бўлди. Миллий шуурини, ўзлигини топаётган халқ эрта саҳардан кечга қадар ҳазрат ҳайкали пойига гулчамбар, гулдасталар қўйди, истиқлолимизнинг уч йиллик тўйи ўтаётган кунларда Ўзбекистоннинг келажаги, истиқболи ва равнақини тилаб буюк бобомиз руҳини ёд этишди. Санъаткорлар, сўз усталари зиёратга келган сайлчиларга сидқидилдан хизмат кўрсатди. Турли савдо расталари ташкил этилди, зиёратчиларнинг дам олиши, кўнгилочар суҳбатлар қуриши учун чойхона, ошхоналар ишлаб турди.

Шу куни Халқлар дўстлиги, Хадра, Навоий театри майдонлари, Анҳор бўйи хиёбони, Сайлгоҳ кўчасида, кўплаб истироҳат боғларида ҳам халқ сайллари бўлиб ўтди.

ЎзА.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистондаги асосий байрам тантаналари Нукус шаҳридаги "Халқлар дўстлиги" майдонида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари давлат рамзлари, байрам шиорлари билан безатилган майдонга республика фаоллари, меҳнат ва уруш фахрийлари, талаба ва ўқувчи ёшларнинг вакиллари йиғилдилар.

Байрам шодиёналари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбековнинг республиканинг барча аҳолисини Ўзбекистон Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан қилган табриги билан очилди.

"Халқлар дўстлиги" майдонидаги байрам шодиёнасининг маданий-мусиқий дастурида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат филармонияси, Бердақ номли давлат мусиқий театри, С. Хўжаниёзов номли ёш томошабинлар театри, "Ойқулоч", "Гулзор" бадиий гуруҳлари, Давлат телерадиокомпанияси ҳамда республика туман ва шаҳарлари маданият бўлимларининг энг яхши ижодий жамоалари қатнашдилар. Майдонда оммавий халқ сайли, хайрия тадбирлари, ҳар хил кўргазмалар ва театрлаштирилган чиқишлар ташкил қилинди.

Давлатимиз мустақиллигининг уч йиллиги Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида ҳам зўр кўтаринкилик билан нишонланди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
"Халқ сўзи" мухбири.

АНДИЖОН

Таъбир жоиз бўлса, Бобур юртида байрам шодиёналари бир неча кун аввал бошланди.

Шаҳарнинг гавжум жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди. Бу ерда қишлоқда етиштирилган турли маҳсулотлар бозорга нисбатан бир неча баробар арзон нархда сотилди. Шаҳар марказида қад ростлаган, бағрига 20 минг томошабинни сиғдира оладиган "Наврўз" стадионининг очилиши шукуҳли кунларга файз бағишлади. Вилоят бунёдкорлари мустақиллик шодиёнасини ёруғ юз билан қарши олдилар. Жойларда 32 та маҳобатли ва гўзал объектлар фойдаланишга топширилди. Избоскандаги бозор мажмуи, Марҳаматда 100 ўринли санаторий, Андижонда Шарифбой гузари, Асакада "Ҳасанот" савдо маркази шулар жумласидандир. Андижон шаҳар ҳокимлиги эса барча шифохоналарни янги кўрпа жилдлари билан таъминлашни уюштирди. 1406 нафар ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олинди.

Мустақилликнинг бу йилги шодиёнаси вилоят аҳлига ўзгача руҳ бахш этди. Барча шаҳар ва туманларда халқ сайллари уюштирилди. Элнинг суюклик ҳофизлари, раққосалари кўнгилларни хушнуд қилди. Жойларда ҳунармандлар, тадбиркорлар кўргазмалари ташкил этилди. Бошқача айтганда, байрам шодиёналари ҳар бир қалбда муҳрланиб қолди.

Фозилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

БУХОРО

Сентябрнинг илк тонги ўзгача завқ-шавқ билан кириб келди. Бухороликларни шаҳар марказидаги Ибн Сино санъат саройи олдида чалинган карнай-сурнай садолари тантаналарга чорлади. Одамлар нигоҳида истиқлолдан фахрланиш туйғуси, байрамона кайфият акс этиб турибди. Барча сайлгоҳларда томошалар авжига чиқди. Айниқса, машҳур бобомиз, улуғ аллома Исмоил ал-Бухорий номидаги истироҳат боғида ташкил этилган театрлаштирилган байрам дастури меҳнаткашлар кайфиятини янада кўтариб юборди, десак муболаға бўлмайди. Ибн Сино санъат саройи қошидан бошланган савдо ярмаркаси "Спартак" ўйингоҳигача чўзилиб кетди. Халқ ҳунармандчилик буюмлари, ноз-неъматларнинг сон-саноғи йўқ.

Байрам тантаналари кеч оқшомгача давом этди. Қадим ва навқирон Бухорони томоша қилишга келган хорижлик меҳмонлар ҳам халқимизнинг шодлигига шерик бўлдилар. Меҳмонлар Ўзбекистонга бахт-саодат тилаб, унинг мустақил давлат бўлганидан хурсанд эканликларини изҳор этишди.

Ҳа, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Мустақилликни асраш ва авайлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир. У асрлар оша мангу яшайверсин, илойим!

Маннон ОТАБОЙ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖИЗЗАХ

Жиззах кўчаларида карнай-сурнай садолари янграб, мустақилликнинг уч йиллик байрами бошланганидан дарак берди. Маҳаллалар, мавзелар ва кўчаларда, аҳоли гавжум жойларда байрам сайли бошланиб кетди. Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театри, филармония, вилоятдаги халқ театрлари, бадиий ҳаваскорлик ва этнографик гуруҳларнинг чиқишлари байрам қатнашчиларининг дилини қувончга тўлдирди. Вилоят меҳнаткашлари мустақиллик байрамини ўзига хос хушхабарлар билан кутиб олди. "Тошкент-Жиззах" электропоезди қатнови йўлга қўйилди. Ўқув маскани, Жиззах шаҳрида "Сўғдиёна" фирмаси ҳомийлигида троллейбус қатновини йўлга қўйиш борасидаги ишлар жадал амалга оширилмоқда.

ЎзА.

НАВОИЙ

Ватанимизнинг гуллаб яшнашида навоийлик меҳнаткашларнинг, пахтакорларнинг, чорвадорларнинг ҳам улуши бор, албатта. Улар истиқлолимизнинг уч йиллик тўйини муносиб меҳнат зафарлари билан қарши олдилар.

Вилоятда бир қанча улкан иншоотлар, қўшма корхоналар, заводлар барпо этилди. Жумладан, Қизилтепадаги йирик савдо комплекси ҳамда "Навоийсут" акционерлик жамияти қошидаги Германия билан ҳамкорликда қуриб битказилган қўшма корхонанинг очилиши тўйга тўёна бўлди.

Халқимиз ҳар доим саҳоватпеша бўлиб келган, етим-есир, ногиронлар бошини силаган. Байрам куни Навоий яхна ичимликлар комбинати ҳамда "Навоийсут" комбинати жамоалари шаҳардаги болалар уйининг норасидаларини ўзларининг ширин-шакар маҳсулотлари билан сийладилар. Тантаналар арафасида вилоят бўйича шанбалик ўтказилиб, ундан тушган 60 минг сўм пул хайрия жамғармаларига ўтказилди.

Байрам куни шаҳардаги "Сўғдиёна" ўйингоҳи айниқса одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда савдо ярмаркалари ташкил этилди, миллий ўйинлар, мусобақалар, кўриклар ўтказилди. Турли халқ фольклор дасталарининг театрлаштирилган чиқишлари бўлди. Дилрабо қўшиқлар, карнай-сурнай наволари янгради. Тантаналар ярим тунгача давом этди.

Темур ЭШБОЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

НАМАНГАН

Бу ерда байрам тантаналари "Республикам — фахрим менинг" шиори остида ўтди. Вилоят марказидаги маданият ва истироҳат боғида истиқлол байрами шарафига наманганлик халқ усталарининг кўргазмаси намойиш қилинди. Салқин ва шинам чойхоналарда шаҳарнинг меҳнат фахрийлари, оқсоқоллар билан бир пиёла чой устида учрашувлар ўтказилди. Байрам томошаларида санъат усталари ва ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Истироҳат боғида мусиқа садолари ва кишиларнинг шодон кулгилари борлиқни тутди. Халқ сайли шаҳарнинг бошқа боғларида, шунингдек, вилоятнинг барча туманлари марказларида ҳам бўлиб ўтди.

ЎзА.

САМАРҚАНД

Мустақиллик куни ўтказиладиган тантаналарга Самарқанд вилоятида катта тайёргарлик кўрилди. Бу қутлуғ байрам арафасида барча шаҳар ва туманларда ўнлаб объектлар фойдаланишга топширилди.

Байрам арафасида туман марказлари ва шаҳарларида аҳоли дастурхонини тўкин қилиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси уюштирилди. Аҳолига юзлаб тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва гўшт сотилди.

1 сентябрь куни эрта тонгдан қадимий шаҳар карнай-сурнай садолари остида уйғонди. Хиёбонлар ва кўчалар ҳар галдагидек шодиёналарда иштирок этиш учун чиққан шаҳарликлар, меҳмонлар билан тўлди. Майдонларда санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилди.

Кечқурун қадимий Регистонда минглаб кишилар тўпландилар. Театрлаштирилган тамошалар бошланди. Республикада ном қозонган санъаткорлардан тортиб, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Бундай тантаналар вилоятнинг барча туманларида бўлиб ўтди.

Музаффар МУҚИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СИРДАРЁ

Шодиёналарнинг энг каттаси Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғидаги саҳналарда бадиий ҳаваскорлар, "Яшил театр"да эса вилоят мусиқали драма театри жамоаси катта концерт берди. Томошалар дастурида халқ ўйинлари ва спорт мусобақалари кенг ўрин олган эди.

Кечқурун "Гулистон" ўйингоҳи минглаб кишилар билан гавжум бўлди. Бу ерда истиқлолни мадҳ этувчи театрлаштирилган байрам дастури намойиш этилди.

Ҳар қандай байрам ҳам хайр-эҳсон, меҳр-мурувват билан файзлидир. Шу куни Гулистондаги "Нуроний" чойхонасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва фуқароларга совға-саломлар улашилди. Болалар уйи тарбияланувчиларига байрам дастурхонлари ёзилди. Кўплаб меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда элга ош тортилди. Оқсоқоллар истиқлолимизнинг абадул-абад яшашини, тинчлигимизнинг барқарорлигини, дастурхонимизнинг тўкинлигини тилаб дуо қилдилар. Шак-шубҳасиз, кўпчиликнинг тилаги ижобат бўлгай.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРХОНДАРЁ

Истиқлолнинг уч йиллигини нишонлашга Сурхондарёда ҳам катта ҳозирлик кўрилди. Чунончи вилоят марказининг бош майдони Ат-Термизий номи билан аталадиган майдонда байрам тантаналари ўтказиш учун катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилиб, майдонга туташиб кетган болалар боғида вилоятдаги барча шаҳар ва туманларнинг кўргонлари қад ростлади. Уларнинг орасидаги сон-саноқсиз савдо расталари ҳам бу майдоннинг умумий кўринишини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди, десак муболаға бўлмас. Умуман, бир йил ичида жуда катта ишлар қилинди.

Сурхондарёда байрамга бағишланган тантаналарнинг энг каттаси 1 сентябрь куни кечқурун Ат-Термизий майдонида бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги, қўшни Қашқадарё вилоятидан, Туркманистон ва Тожикистон республикаларидан меҳмонлар келишди.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлолнинг уч йиллик байрами пойтахт вилоятида ҳам қизғин нишонланди. Ангрен, Янгийўл, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ва бошқа туман марказларида халқ сайллари, театрлашган томошалар, концертлар бўлиб ўтди, савдо кўргазмалари ташкил этилди.

Шодиёналар қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам давом этди. Дошқозонларда ош дамланди, шинам чойхоналарда оқсоқоллар гурунги байрам тантаналарига ўзига хос шукуҳ бахш этди.

ЎзА.

ФАРҒОНА

Катта байрам ва тантаналар туман марказларида шодиёналар билан нишонланиши таомилга кириб қолган. Бу йил фарғоналиклар ана шу анъанадан воз кечдилар.

Байрамлар байрами — Мустақиллигимизнинг уч йиллиги тантаналари асосан қишлоқ ва маҳаллалар, гузарлар ва хонадонларга кўчди. Вилоятнинг энг олис — Ёрдон, Хушёр, Яккатут, Қозоқовул, Конизар, Валин каби ўнлаб, юзлаб қишлоқлари байрам либосини кийди, карнай-сурнай садолари, шўх лапарлар ажойиб шодиёналар бошланганидан далолат берди. Ҳар бир қишлоқ, маҳаллада туркий халқларнинг қадимий одатига биноан эрта тонгдан ош тортилди, етим-есирлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалардан хабар олинди. 10 мингдан зиёд оила байрам совғаларини олишга мушарраф бўлдилар.

Фарғоналиклар яқин кунларда Марказий Фарғона ерларининг ўзлаштира бошланганининг 40 йиллигини кенг нишонлашади. Байрам кунлари бу қутлуғ сана ҳам унутилгани йўқ. Тантаналарда "Шуҳрат" ва "Жасорат" орденларининг соҳибларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Оқшом чўккач халқ сайли "Спартак" ўйингоҳига кўчирилди. У ерга тўпланганлар байрам учун тайёрланган адабий-мусиқий композицияни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

ХОРАЗМ

Муборак байрамимиз арафаси ва айём кунларида аҳоли ва дўст-биродарларимиз хонадонларидаги ўнларча тўй-тантана маросимларида қатнашдик. Барини атайлаб шу улуғ айёмга бағишлашибди. Файзли ўтиришларда истиқлол мадҳи-таърифи, афзаллиги-саодати ҳақидаги дил сўзлари кўп айтилди, шукроналик, бахтиёрлик тароналари янгради.

Байрамда Хоразмнинг мана-ман деган хонандаю-гўяндалари, раққосу-раққосалари, дарбоз-масхарабозлари, абжир спортчилардан тортиб бадиий ижод соҳибларигача фаол қатнашишди. Шаҳарнинг энг гавжум марказий майдони эса бутунлигича қалби санъатга,ижодга пайваста ёшлар ва болалар ихтиёрига бериб қўйилди. Шаҳар мусиқа мактабларининг 60 нафар иқтидорли талабасидан иборат доирачилар дастаси "Чорлов" куйини чалганда ҳамма оёққа қалқди.

Воҳа меҳнат аҳли байрамни муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. Тантаналар арафасида Урганч помбархт ва велюр газламалар фабрикаси, Боғот момиқ корхонаси сингари ўнларча катта-кичик саноат корхоналари дастлабки маҳсулотларни бера бошлади. Урганч, Хазорасп, Хива ва Янгиариқда замонавий деҳқон ҳамда тижорат бозорлари, турли шаҳар ва қишлоқларда эса бир неча минг ўринли мактаблар, кўплаб савдо-таъминот шаҳобчалари, болалар боғчалари, тиббиёт муассасалари ишга туширилди. Урганчдаги муҳташам тантаналар шаҳарчасида эса вилоятнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, алоқа, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фан ва маданият соҳасидаги ютуқларини кўз-кўз қилувчи ранг-баранг кўргазмалар ташкил этилди. Байрам қатнашчилари учун дастурхонлар ёзилиб, анвойи таомлар тортилди, фахрийлар, ногиронлар, якка-ёлғиз яшовчилар,камхарж оилаларга совға-саломлар улашилди.

Улуғ айём тароналари махсус ҳозирланган саҳналардагина янграб қолгани йўқ. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари, ҳамма меҳнат жамоалари, маҳалла ва даҳаларда дилтортар базмлар, учрашув ва кечалар ўтказилди.

Байрам мадҳи барча хоразмликларнинг тилида жарангланди, дилларда эса ёрқин акс-садо берди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят маркази — Қарши шаҳри аҳли эрта тонгданоқ карнай-сурнайнинг шўх наволари билан байрамни қаршилашди. Мустақиллик майдони бир зумда гавжумлашиб кетди. Бу ерга минглаб меҳнаткашларнинг вакиллари келдилар. Бош майдонда мустақиллигимизнинг уч йиллиги шарафига катта тантаналар бошлаб юборилди. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси ижро этилди.

Меҳнаткашларнинг байрам намойиши бошланди. Қарши даштини боғу бўстонга айлантираётган қурувчилар, Марказий Осиёдаги энг йирик Толлимаржон ГРЭСИ бунёдкорлари, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшиш аҳдида матонат кўрсатаётган пахтакору сабзавоткорлар мустақиллигимизнинг уч йили мобайнида эришилган ютуқларни кўз-кўз қилиб, майдондан ўтишди.

Тушдан кейин байрам тантаналари майдон ва кўчалардан истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, кинотеатрлар, театр ва концерт залларига кўчди. Истироҳат боғларида турли танловлар, бахшиларнинг чиқишлари уюштирилди. Маҳаллий рассомлар асарлари, кўргазмалари ташкил этилди.

Кечқурун меҳнаткашларнинг оммавий сайллари давом этди. Истиқлол айёмига жамоа-ширкат хўжаликларининг соҳибкор-боғбонлари, деҳқону чорвадорлари ҳам муносиб улуш қўшдилар. Улар ташкил этган "Қовун сайли"да қарийб 2 минг тоннага яқин мева, узум, дон, қовун-тарвуз савдога қўйилди.

Вилоят туманларида ҳам мустақиллигимизнинг уч йиллиги муносиб қарши олинди. Китоб туманида театрлаштирилган томошалар бўлди. Туман марказида полвонларнинг кураш мусобақалари бўлиб ўтди. Шуниси диққатга сазаворки, байрам кунида маҳалла ва қишлоқларда дастурхонлар ёзилиб, элга ош тортилди. Жойларда спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Байрам куни қариялар, бева ва мискинлар, кам таъминланган оилалар ҳам назардан четда қолгани йўқ. Вилоят ҳокимлигининг кўрсатмаси билан уларга мурувват кўрсатилди. Шифохоналарда даволанаётган беморлар ҳолидан хабар олинди, совға-саломлар улашилди.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Ш. ИБРОҲИМОВ тасвири.

• *Истиқлолнинг уч йиллигига*

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ НАЗАРИЙ ПОЙДЕВОРИ

Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олиш учун ҳалқаро алоқаларда ҳам ўзига хос йўл тутмоқда. Мамлакатимизнинг бу борада олиб бораётган янги сиёсати Президентимиз Ислом Каримовнинг қатор асарларида ҳам илмий, назарий, услубий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берилган.

Ҳа, бизга собиқ Иттифоқдан бу соҳада ҳам оғир мерос қолди. Ташқи алоқалар бобида узоқ йиллар марказга қарам бўлганлигимиз сабабли тажрибали ва малакали кадрларнинг камлиги бу соҳада ишни деярли нолдан бошлашга тўғри келди.

Иттифоқ даврида республикамиз марказга ва хорижга хом-ашё етказиб берувчи база бўлиб ҳисобланарди. Ўзбекистондан биринчи марта хорижга маҳсулотлар 1932 йилда чиқарилган бўлиб, унинг 80 фоизи хом ашёга тўғри келган. Орадан 60 йил вақт ўтган бўлса ҳам бу кўрсаткич ўзгармади.

Бугун эса аҳвол бутунлай ўзгарди. Мустақилликка эришилгач, мамлакатимиз ҳукумати халқаро алоқалар масаласига алоҳида эътибор билан қаради. Унинг ҳозирги маърифатли дунё талабида бўлишини таъминлаш учун курашди.

Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" деб номланган рисоласида республикамиз ташқи сиёсатининг асосий принциплари ишлаб чиқилган. Булар асосан ташқи сиёсатда умумбашарий қадриятларни устун қўйган ҳолда бирон-бир давлатнинг таъсирига тушиб қолмасдан мустақил йўл тутиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш ва қўшилмаслик сиёсати юритиш, ўзаро тенг ҳуқуқлиликка эришиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мафкуравий қарашлардан қатъий назар барча тинчликсевар мамлакатлар билан ташқи алоқаларни кучайтириш, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устиворлигини тан олган ҳолда халқаро талабларга риоя қилиш, икки ва кўп томонлама алоқаларни кучайтириш учун ҳамкорликни чуқурлаштириш ва маърифатли дунё тан олган халқаро қоидаларга риоя қилишдан иборатдир.

Бу рисоладаги принциплар илмий ва назарий жиҳатдан пухта асосланган бўлиб, тарихимизга, миллий қадриятларимизга суянган ҳолда ишлаб чиқилган ва республикамиз ташқи сиёсатининг дастуруламали бўлиб қолади. Шунингдек, бу асарда Ўз-бекистоннинг МДҲ билан қай тарзда алоқалар олиб бориши ҳам белгилаб берилган. Айниқса, ташқи сиёсатда иқтисодий омилларга алоҳида эътибор бериш ва республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ва бу соҳада барча ресурсларни ишга солиш таъкидланади.

"Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" номли рисоласида И. Каримов юқоридаги фикрларни давом эттириб, "Республика жуда катта миқдорда меҳнат ва моддий ҳаражатлар қилиб, ер ости бойликларининг улкан заҳираларини сарф этиб, қимматбаҳо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради-ю, асосан улгуржи нархларда фақат хомашё сифатида сотади. Фойда, бюджет тушумлари тарзидаги мўмай даромад эса мамлакатимиз ташқарисида қолади",— деб ёзади. Эндиликда бундай адолатсизликка чек қўйиляпти. Хом-ашёни ўзимизда қайта ишлаб, четга иложи борича тайёр маҳсулот сотиш йўлга қўйиляпти. Халқимизнинг орзулари рўёбга чиқаяпти.

Президентимизнинг "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик" номли асарида республикамизни дунёга танитиш учун қилинаётган ишлар ҳақида фикр юритилган. "Ташқи сиёсатимиз тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, бу соҳада барқарор ўсиш рўй берди ва муайян муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистоннинг овози жаҳон узра баралла янграмоқда", деб таъкидланади унда.

Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги ички сиёсати ва унинг барқарорлиги барчани қизиқтирганлиги учун Президентимиз ушбу рисоласида ўтиш даврининг йўриқномаси бўлган бешта қоидага алоҳида тўхталган. Чет эл сармоядорларига, ишбилармонларига ҳамкорлик қилиш учун мамлакатимиз қандай имкониятларга эга эканлиги ҳақида қатор қизиқарли маълумотлар берган. Унда олтин ва бошқа металлар, нефть заҳиралари, пахта, мева, сабзавот, транспорт, туризм ва бошқа қатор соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш энг муҳимлиги қайд этилади.

Шунингдек, республикамизда саноати ривожланган мамлакатлар иштирокида 1000 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатаётганлиги, ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ва қоидалари биринчи навбатда суверенитетни ҳурмат қилиш, оммавий қирғин қуролларини тақиқлашга қаратилганлиги алоҳида таъкидланган.

"Ҳамкорлик — иқтисодий тараққиёт гарови" номли рисоласида бу фикрлар янада бойитилади, давлатлараро ва халқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг юксалиб бориши давримизнинг ўзига хос хусусияти эканлиги кўрсатилиб, минтақада жойлашган 10 та қўшни давлатнинг ҳамкорлиги, унинг тараққиёти ва истиқболи, биринчи навбатда иқтисодий манфаатдорликнинг сиёсатдан, мафкурадан устун бўлиши, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш, банклараро муносабатларни яхшилаш, ҳамкорлик фондини ташкил этиш, маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга боғлиқ эканлиги алоҳида илмий асосда баён қилинган.

"Минтақада тинчлик, барқарорлик бўлмаса, биз тузган энг буюк лойиҳалар ва дилдаги эзгу ниятлар амалга ошмай қолиши мумкин", деб таъкидлайди юртбошимиз. Дарҳақиқат, тинчлик қандай неъмат эканлигини биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Хушёрликни йўқотган қўшниларимиз бунинг учун қанчалик жабр чекаётганлигидан ҳам хабардормиз.

Юртбошимизнинг асарларида барча маълумотлар очиқ ойдин баён қилинган. Чунки халқ буни тушунади, нима қилиш лозимлигини англайди, шунга қараб меҳнат қилади ва ҳар қандай шароитда юртбошисини қўллаб-қувватлайди. Бу асарларда ташқи муносабатларда ошкоралик, тенглик, бошқалар таъсирига берилмаслик, тўла ишонч, кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш ва умумхалқ эътироф этган халқаро тартибларга ўтиш республикамиз ташқи алоқаларининг негизи эканлиги кўрсатилган.

Уларда хорижий сармоядорларга замонавий шароит яратиш ва халқаро алоқаларнинг барча соҳалари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ишлари таҳлил қилиниб, йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Президентимизнинг асарларидаги йўл-йўриқларга амал қилингач, республикамизда хорижий сармоялар учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратилди, сармояларни сарфлаш учун бир қатор тармоқларда катта имкониятлар вужудга келди.

Унинг "Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати" асарида энг йирик хорижий мамлакатлар билан бўлган халқаро алоқаларимиз таҳлил қилинади ва икки йилдан ортиқ вақт мобайнида жаҳонда республикамизнинг ишончли, истиқболли ҳамкор сифатида обрў-эътибори мустаҳкамланганлиги, ташқи савдо шу даврда 1,3 миллиард долларга етганлиги, айниқса саноати ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликнинг кучайганлиги таъкидлаб ўтилган.

Бу ҳам ташқи халқаро сиёсатда янги анъанавий йўналишдир. Чунки аввалларида ривожланган капиталистик мамлакатлар билан эркин алоқалар йўқ эди, 1993 йил охиригача республикамизда 900 дан ортиқ қўшма корхоналар 65 мамлакатдан келган шериклари билан фаолият кўрсатиб 100 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарганлиги келажагимизни аниқ тасаввур қилишга имкон яратади.

Ушбу асарлар чуқур ўрганишга лойиқдир. Уларда ташқи алоқаларимиз ҳақида ошкора сўз боради. Халқимиз ундан бу соҳадаги катта ютуқларни ҳам, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ҳам уқиб олади. Президентимиз асарларини илмий тадқиқот ишларига назарий ва услубий асос қилиб олиш вақти етди.

Мойли ЛАФАСОВ,
тарих фанлари номзоди.

ТЕРМИЗ МАЪНАВИЯТ АКАДЕМИЯСИ

Ватанимиз — ўз мустақиллигининг учинчи йилини нафақат муҳим иқтисодий, сиёсий, маданий соҳада, балки миллий қадриятлари, тарихи, тили, динини камолтоптириш, она заминни эъзозлашдек маънавий сифатлар билан кутиб олди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Термиз маънавият академияси" ҳам истиқлолнинг уч йиллиги тўйига муносиб туҳфадир. Ҳокимлар, ташкилот, хўжалик, муассаса раҳбарлари ана шу маънавият академиясининг тингловчилари бўладилар.

Академиядаги ўқишлар тарихимиз, шарқона миллий ва умуминсоний, исломий қадриятларимизга, улуғ аждодларимизнинг маданий, илмий меросига асосланган ҳолда ўтилади.

"Термиз маънавият академиясининг низоми ва дастури Ватан мустақиллигининг мустаҳкамлашга қаратилган, вазифаси масъулиятли. Демак, "Термиз маънавият академияси" — бу истиқлол фарзанди, истиқлолга хизмат қилувчи қудратли маънавий омил. Чунки, Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашнинг, унга боқий умр ато этишнинг ўта муҳим, аммо ниҳоятда мураккаб таомилларидан бири — унинг маънавий омилларидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: "Маънавият — инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир".

Мустақиллик шарофати туфайли тузилган илм ўчоғининг "Термиз маънавияти академияси" деб, аташимизнинг ҳам бир қатор тарихий, илмий, маданий асослари бор:

1. Термиз "Буюк ипак йўли" чорраҳасида жойлашган шаҳар бўлиб, бундан икки минг йил муқаддам йирик иқтисодий, маданий марказ сифатида бутун шарққа танилган.

2. Термизда жаҳоншумул маданият маънавият мактаби яратилганки, ундан минг йилдан ошиқроқ вақт давомида бутун шарқ аҳли баҳраманд бўлиб келмоқда.

3. Термиз дунёвий ва исломий илмларнинг ҳамкорликда ривожланган йирик маркази ҳисобланади. Шўро ҳокимияти йилларида "Ислом дини ўтмишда адабиёт, фан ва санъатнинг бутун дунёвий, моддий ва маънавий маданиятининг душмани бўлиб келган, уларнинг ривожланишига қаршилик қилган" деган асоссиз, носоғлом ғоя тарғиб қилиб келинди. Аслида эса дунёвий илмларнинг, маданиятнинг юксалиши ва дунёга танилишида у муҳим восита вазифасини бажарган.

4. Ўтмишда Термизда Али Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Муҳаммад Абу Абдулло ибн Аҳмад Жайҳуний, Аҳмад ибн Муҳаммад Суғоний Устурлобий, Абу Жаъфар Ҳозий, Бурҳониддин Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Жавҳарий Заргар Термизий, Абдул Хасан Мунжуқ Термизий, Қатрон ибн Мансур Термизий, Исмоил Собир Термизий, Абу Музаффар Термизий, Абдул Ҳомид Термизий, Самандар Термизий каби ўнлаб аҳли донишлар, адабиёт ва санъат намояндалари яшаб ижод қиладиларки, улар "Термизий байтул ҳикмаси" — академиясига асос солган эдилар. Назаримда ўша руҳ, маънавият ҳамон сақланиб келмоқда. Маънавият жуда катта ижтимоий руҳий қудратга эга "Термиз маънавият академияси"нинг асосий мақсади республикамиз жанубий вилоятларидаги ташкилотлар, хўжаликлар, муассасаларнинг қуйи, ўрта ва юқори бўғин раҳбарларини, туман ҳокимлари ва уларнинг муовинларини икки семестр (мавсум) мобайнида ўқитиб, маънавий камол топтириш, меҳнатга руҳий жиҳатдан тайёрлашдан иборатдир.

Президентимизнинг "Термиз маънавият академияси"га билдирган истаклари негизида биринчи навбатда туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг муовинлари, бўлим бошлиқлари шу академиянинг тингловчилари бўлишлари, халқ оммаси орасига маънавий камол топган, чиниққан бўлиб боришлари зарур, — деган мазмун ётади. Чунки, меҳнаткашлар оммасига етакчи бўлган раҳбарнинг ўзи аввало маънавий баркамол бўлмоғи лозим. Фақат маънавий етук раҳбаргина кишилар билан тўғри, одилона муносабатда бўла олади. Меҳнат жамоасида ишни тўғри ташкил эта олади, меҳнат унумдорлигини оширишнинг илмий, амалий технологик омилларини пухта билади ва ҳоказо.

Тўғри, инсоннинг маънавий маданияти дунёвий ва исломий билимлар, миллий қадриятлар асосида шаклланади. Аммо шуни пухта билишимиз керакки, юқори малакали мутахассис, ҳатто олим, ёзувчи, меъмор, санъаткор, ҳарбий ходим ва ҳакозо бўлиш — бу ҳали маънавий баркамолликни англатмайди. Бунинг учун жуда катта ҳаёт ва онгли меҳнат, инсоний одоб, ахлоқ мактабини ўташ талаб этилади.

Маънавий жиҳатдан етук бўлмаган айрим раҳбарлар ишни тўғри, ижодий ташкил эта олмаганликлари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг пастлиги, меҳнат жамоасида муҳитни кескинлаштириб юборганлиги ва ҳоказо сабабларга кўра, ўз лавозимидан четлаштирилганда, қуйироқ мансабга туширилганда жамиятдан, ҳаётдан ўринсиз аразлайдилар. Ўз камчиликларини ҳолисона тан олиб, янада кўпроқ меҳнат қилиш, халқ хизматида бўлиш ўрнига нохолис йўлга кирадилар. Бундай ҳоллар жамият учун ҳам нохушдир.

"Термиз маънавият академияси"даги таълим олдинги сиёсий мактаблар, ўқишлардан тубдан фарқ қилади. Унинг дастури ва иш режалари муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов асарларида олға сурилган ғоялар, бозор муносабатларига ўтишнинг маънавий тамойиллари, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз асосида тузилган. Иккинчидан, маънавиятнинг иқтисодий, социал, маданий ва ҳоказо натижалари ижтимоий, шахсий ҳаётда дарҳол амалда намоён бўлавермайди. Масалан, Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигига асос қўйилди ва у тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни энди республикамизнинг аксарият аҳолиси тушуниб етдилар. Учинчидан, мутасадди сифатида ошкора айтадиган бўлсак, республикамизнинг катта-кичик даражадаги раҳбарияти, корхона ва хўжалик, муассаса бошлиқлари шуни зинҳор унутмасликлари керакки, жамиятнинг, шахснинг маънавий имкониятларини, маънавий маданиятини юксалтирмасдан туриб, йирик иқтисодий, хўжалик, аграр социал, маданий, ҳарбий ва ҳакозо мазмундаги режаларни, вазифаларни амалда тўлиқ, сифатли ўз муддатида бажариб бўлмайди. Бу илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ижтимоий аксиомадир.

Маънавиятда улкан моддий, хўжалик, социал, фан-техник, молиявий, ҳуқуқий мазмун ва имкониятлар ҳам мужассамдир.

Маънавий жиҳатдан камол топмаган ишчи, деҳқон, фермер кўп ва сифатли маҳсулот бера олмайди. Ўқитувчи, ҳаким, муҳандис, раҳбар ва ўз вазифасини юқори масъулият билан, Ватанга фидойилик даражасида англаб етмайди.

Маънавий камолотли кишилар нафақат унумли меҳнат қиладилар, бахтли ҳаёт кечирадилар, балки бошқаларни ҳам ўзларига тақлид қилишга ундайдилар, жамиятда, турмушда учрайдиган қийинчиликлар, мураккаб ҳолатлардан чўчимайдилар, саросимага тушмайдилар. Улар шахсий ҳаётда камтар, ҳокисор, жамиятда халқпарвар, пешқадам, ташкилотчи бўладилар. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, уйнинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди".

Биз "Термиз маънавият академияси"ни ташкил этишга бағишланган мажлисларда бўлган мунозаралардан шундай хулосага келдикки, ҳали баъзи зиёлиларимиз, раҳбарлар маънавий қадриятларнинг туб моҳиятини тушуниб етмаганлар. Уни мафкура, маърифатчилик ўқишлари, кишиларнинг касб малакаси каби масалалар билан аралаштириб юборадилар. Маънавият — бу мафкура эмас. Гарчи миллий мафкурамиз ўз қадриятларимиз, шарқона маънавиятимиз асосида шаклланаётган бўлсада, тўла маънавият бўла олмайди. Аммо у жамият ва инсоният маънавий сифатларининг юксалишига хизмат қилади. Бироқ маънавият ҳам, мафкура ҳам сиёсат исканжасига тушмаслиги керак. Акс ҳолда улар эркин ривожлана олмайди.

Ватан фарзандлари жисмонан соғлом, маънавий баркамол инсон бўлишлари зарур. Маънавий заифлик, сўқирлик бу ҳурофот, жоҳиллик. Жоҳил кишилар ҳеч қачон Ватанга содиқ, фидойи бўла олмайдилар. Масалан, кейинги икки-уч йил ичида сиёсий курашда хатога йўл қўйган ёки шоҳона яшашни қўмсаган кимсалар хорижга қочиб кетдилар. Бундай ватанфурушлар учун Ўзбекистон ёки бошқа хорижий мамлакатлар тупроғининг ҳеч фарқи йўқ. Улар учун дунёнинг ҳамма бурчаклари ватан. Бундай кишилар ўз йўлининг тўғрилигига, фикрнинг ҳақлигига шубҳаланадилар, ишонмай-дилар.

Истиқлолга меҳнаткаш, ташаббускор, курашчан, маънавий баркамол ватан фарзандлари керак.

Ҳар бир нарсанинг, воқеанинг иккита яъни манфий ва мусбат томонлари бўлганидек, одамларда ҳам маънавий баркамоллик ва ўзига хос камчилик мавжуд. (Исломда бу фазилат Раҳмон — сифати эса шайтон дейилади).

"Термиз маънавият академияси"нинг бош мақсади барча ижтимоий қатламдаги аҳолини маънавият уммонидан раҳмоний фазилатлардан баҳраманд қилишдир.

Н. ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ФЕРУЗГА БАҒИШЛАНДИ

Атоқли давлат арбоби, шоир ва бастакор Феруз таваллудининг 150 йиллигини тантанали кутиб олиш учун Қорақалпоғистонда ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тўрткўл туманида шу санага бағишлаб ўтказилган кеча айниқса қизиқарли бўлди. Унга туман меҳнаткашлари вакиллари билан бирга хоразмлик олимлар, ижодкорлар, мақомчилар келишди. Ферузнинг 1873 йилдан эътиборан Тўрткўл шаҳри қурилиши бошланишида олиб борган ишлари ҳамда бошқа соҳалардаги фаолияти хусусида сўз юритилди. Тадбир мобайнида шоир ва бастакор Феруз ижодидан намуналар ижро этилди.

Бағдод туманидаги "Бағдод" жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 1133 гектар майдонга чигит экишган эди. Пахтакорлар ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли ўтказганлари боис, пайкалларда мўл ҳосил тўпланди. Олди майдонларда терим бошланди.

Суратда: Холдарали Исоқов бошлиқ бригада механизатори Жўрақўзи Ғойназаров.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• *Тасвирий санъат*

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган байрам кўргазмаси миллий санъатнинг ўзига хос нафосати ва гўзаллиги намойишига айланди. Республика Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида ва "Хамар" халқаро алоқалар марказида очилган бу кўргазмага 500 дан ортиқ рангтасвир, графика, ҳайкалтаршлик, халқ амалий санъати асарлари қўйилган.

Регистон, Бибихоним мадрасаси ва бошқа қадимий ёдгорликларнинг шоҳона гўзаллиги, ўлкамизнинг сахий табиати мўйқалам усталарига илҳом бағишлайди. Бу катта кўргазмага Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистоннинг кўп шаҳарларида турли йўналишда ва услубда ижод қилаётган санъаткорлар ўз асарларини юборганлар. Раҳим Аҳмедов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Владимир Бурмакин, Неъмат Қўзибоев, Акмал Нуриддинов каби таниқли мўйқалам усталари асарлари ёнида истеъдоди билан халққа танилиб келаётган Ортиқали Қозоқов, Рустам Худойберганов каби ёш муаллифлар чизган расмларни кўриш мумкин.

Кўргазма бўлимларидан биридаги гул туширилган шиша ва биллур идишлар томошабинлар эътиборини жалб этиши шубҳасиз. Бу ерда "Миконд" рассомлари ўзларининг энг яхши асарларини намойиш қилишмоқда. Илгари бу буюмларни фақат завод музейида кўриш мумкин эди. "Устo" халқ усталари бирлашмасида тайёрланган маҳсулотлар — лак миниатюралари, сопол буюмларни кўргазманинг безаги дейиш мумкин. Кўргазмада халқ амалий усталари ҳам ўзлари ясаган нозик буюмлар билан қатнашган.

Кўргазма бир ой давом этади.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

30 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Иқтисодий ислоҳотлар кечаётган ушбу кунларда кўплаб корхоналарда ортиқча ишчи кучлари пайдо бўлмоқда. Улар туфайли ишсизлар сони ошмоқда. Айни пайтда қишлоқларда кичик корхона, цехлар очилиши бу муаммонинг олдини олмоқда. Навбаҳор туманининг "Гигант" жамоа хўжалигида гиламчилик цехининг очилиши шундай хайрли ишлардан бўлди. Ушбу цех туфайли 30 киши ишли бўлди.

НТМКНИНГ ҒАМХЎРЛИГИ

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик вилоятда қизғин олиб борилмоқда. Навоий тоғ металлургия комбинати раҳбарияти ушбу сана арафасида урушда қатнашган ўз корхонаси фахрийлари ҳақида китоб чиқаришга қарор қилди. Китобдан собиқ жангчилар хотиралари ўрин олади.

Дори-дармон тақчиллиги сезилган бир пайтда НТМК раҳбарияти аҳолини зарур тиббий воситалар билан таъминлаш ниятида 900 минг Америка долларига камёб дори-дармон олди.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Навоий шаҳрида Ўзбекистон — Туркия савдо маркази очилди. Ушбу марказ дини, дили, тили бир икки халқ ҳамкорлигини янада кенгайтириб, улар турмуш даражасини янада фаровонлаштиради. Тузилган шартномага мувофиқ Туркиядан ҳозирдаёқ 5 миллард сўмлик ва 160 минг долларлик саноат маҳсулотлари келтирилди.

Т. ЭШБОЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКНИНГ ҒОЛЛАНД КАРТОШКАСИ

— Мана бу далалар Юсуф Вардашвили бошлиқ бригадага қарашли, — дейди вилоят мева, сабзавот, узум саноат бирлашмаси бошлиғи Зариф Бурхонов. — Бригада узум етиштиради. Умуман, Шаҳрисабз туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги узумчиликка ихтисослашган. Аммо бошқа экинлар ҳам режали ўстирилаяпти. Бозорларга эртаги ва кечки сабзавотлар чиқараяпмиз. Ғалладан бўшаган майдонларга кечки голланд картошкаси экилди. Бу йил бирлашмага қарашли хўжаликларда 342 гектар майдонда ана шундай картошка етиштириш мўлжаланган.

"Оқдарё" жамоа ширкат хўжалиги кўп йиллардан буён уруғлик картошка етиштириш билан шуғулланиб келаяпти. Тоғли ҳудуддаги бу хўжаликда картошканинг турли навлари синовдан ўтказилади, Айниқса, халқ орасида "ғелони" номини олган картошка суюб тановул қилинади. Хўжаликда бу йил 120 гектарга шу экин экилди. Унинг ярми голланд картошкасидир. Ҳадемай, Оқдарёнинг табиий оқими билан яна 150 гектар жойга сув чиқарилади. Бу жойга ҳам картошка экамиз. Келгусида уруғлик масаласи ўзимизда тўла ҳал бўлади...

Ҳозир тоғли хўжаликда айрим жойлар омоч ёрдамида ҳайдалиб, қийин шароитда картошка етиштирилади. "Китоб" боғдорчилик хўжалигида эса ерда Голландиянинг "АЕС" фирмасидан келтирилган энг замонавий техника воситалари ишлатилмоқда. Юз от кучига эга бўлган трактор, кесакларни майдалаб, жўяк тортаётган мосламалар биз учун янгилик. Бу ишларга Голландиядан келган тадбиркор деҳқон Крис Бурбон ёрдам бераётган экан. Дастурхон устидаги самимий суҳбатимиз чоғида маълум бўлишича, отасининг 75 гектар ери бор экан. Асосий қисмига картошка экишаркан. Ҳосилдорлик 40 тоннадан кам бўлмас экан.

— Далаларингизни айландим, тупроқ хусусияти билан билан таништим, — дейди Крис Бурбон. — Ҳосилдорлик 20—25 тоннадан кам бўлмайди. Юртларингиз жуда иссиқ экан, йўқса, Голландиядан фарқи йўқ...

Мен унга қуёш юртимизнинг саховати эканлиги, иссиқ ноз-неъматлар ширин бўлишига таъсир кўрсатишини айтдим. Бора-бора биз экаётган голланд картошкаси ҳам кўпроқ шира тўплаши ҳақидаги фикримга у ҳам қўшилди. Улар узумни ўз талабларига кўра, жуда оз экишаркан. Меҳмонга узумимиз ва Китоб шароби ёқибди. Келгусида бу шароблар Голландияга ҳам етказиб берилишига умид билдирди.

Юнус УЗОҚОВ,
"Халқ сўзи"нинг жамоатчи мухбири.

• *Янгиликлар*

ШОЛИ ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Тахтакўпирдаги "Бўршитоғ" уюшмасидаги Жумабой Муродбоев бошқараётган бригада деҳқонлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб шоли ўримига киришдилар.

Жамоа бу йил 2330 гектар майдонга тезпишар "Нукус" навини эккан эди. Ҳисоб-китоб р ҳар гектар майдондан 47 центнердан ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бригада аъзолари ҳосилнинг анчагина қисмини 1 сентябрь — мустақиллик кунига қадар хирмонга уйдилар.

ХАЙРИЯ СОВҒАСИ

"Соғлом авлод учун" жамғармасининг Тошкент бўлими пойтахтдаги тиббиёт муассасаларига хайрия совғаси тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги байрами арафасида жамғарма ходимлари шаҳардаги туғуруқхоналарга ташриф буюриб, турли-туман тиббий асбоб-анжомларни инъом этишди. Бу жамғарманинг Тошкент бўлими муассислари бўлмиш Тошкент Тўқимачилик комбинати ҳамда "Қалдирғоч" кўп тармоқли кооперативнинг жамғармага ҳадяси эди.

• *Хабарлар*

ИШСИЗЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Фарғона вилоятидаги Ёзёвон туманига қарашли Хонобод ғишт тайёрлаш заводи кунига 20 мингдан зиёд хом ғишт тайёрлаб, аҳолининг уй-жой қуриш учун ғиштга бўлган талабини қондирмоқда. Заводнинг ишга тушиши бир томондан кишиларнинг эҳтиёжини қондираётган бўлса, иккинчи томондан қишлоқдаги 100 дан ортиқ киши ишли бўлди.

Хонобод ғишт тайёрлаш заводи янада кенгроқ талқинда иш юритиш ниятида шу ернинг ўзида ғишт қуритиш цехларини ҳам ишга туширишди.

Г. САОДАТОВА.

ТЕХНИКАЛАР ТЎЛИҚ СОЗЛАНДИ

ЧИНОЗ туманининг "Эшонобод" жамоа хўжалиги меҳнаткашлари пахта йиғимтерим мавсумига мавжуд техникаларни созлаб, тахт қилиб қўйишнинг уддасидан чиқдилар. Айни кунда камёб бўлган эҳтиёт қисмларни қаердан оламиз, юртимизда уларни тайёрлаб берувчи завод бўлмаса, дея қўл қовуштириб ўтирмасдан жамоа хўжалиги бу муаммони ўзлари ечишди. Икки КамАЗ машинасига хўжаликда етиштирилган пиёздан ортиб, Олтой ўлкасига юборишди. Ўз навбатида олтойликлар чинозликларга қишлоқ хўжалиги техникаси учун тўққиз ярим миллион рубллик эҳтиёт қисмлар етказиб беришди. Натижада хўжаликнинг барча техникалари созланиб, ҳаракатга тушди. Эшонободликлар олтойликлар билан алоқани келгусида ҳам мустаҳкамлаб, ўз маҳсулотларини қурилиш материалларига алмашиш хусусида ҳам келишиб олишди.

Э. НУРБОЕВ.

"МАҲСУЛОТНИ КЎПАЙТИРИШ МАҚСАДИДА

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ипғиритув фабрикасида ишлаб чиқарилаётган сурпга аҳолининг эҳтиёжи кундан кунга ортиб бораётгани боис, фабрика маъмуриятининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янада кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш мақсадида Туркия ҳамда Италия фирмалари билан ҳамкорликда иш юритиш борасида келишиб олди. Бунинг дастлабки натижалари ёмон эмас. Фабрика саккиз ойлик режани муддатидан анча илгари бажаришга эришди. Шунингдек фабрика жумҳуриятимиздаги кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам алоқани кенг йўлга қўйган.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: ЙЎЛ БОШИДА

Бозор ва унинг асло ҳаммабоп деб бўлмайдиган қонунлари борган сари қатъият билан ҳаётимизга кириб келмоқда. Буни вақтли матбуот саҳифаларида хусусийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ янги мавзулар пайдо бўлаётганидан ҳам, бизнес, инфляция, қимматбаҳо қоғозлар бозори ва шу каби тушунчаларга қизиқиш ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ: иқтисодий тизимни янги изга ўтказиш, одатда, молия тизимини (қон томири деса ҳам бўлади) қайта қуришдан бошланади, чунки бутун жамиятнинг муваффақият билан олға бориши ана шу тизимнинг қандай ишлашига боғлиқдир.

Вужудга келган шароитда банклар қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ривожланишини таъминлай оладиган энг яхши шаклланган бозор структурасидир. Бу асоссиз гап эмас: Ўзбекистонда чиқариладиган акцияларнинг (300 миллион сўмлик) катта қисми очиқ типдаги энг йирик акциядор жамиятлар бўлмиш тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати департаменти таркибида махсус қимматбаҳо қоғозлар бошқармаси ташкил этилгани тасодифий эмас. Ана шу бошқарманинг бошлиғи Ислом Саломов билан суҳбатлашдик.

— Ислом Тошқозоқович, муштарийларимизга фаолиятнинг мана шу муҳим соҳаси ҳақида лўнда ва айни вақтда тушунарли қилиб сўзлаб берсангиз. Қимматбаҳо қоғозлар нима сабабдан чиқарилади ва улар ҳозирги пайтда иқтисодиёт учун қандай вазифани бажармоқда?

— Масаланинг моҳиятини мумкин қадар тушунарли қилиб баён этишга ҳаракат қиламан. Марказий банк, айтайлик, миллий валютани муомалага чиқаради. Республика иқтисодиёти учун осон бўлмаган ўтиш даврида пул бирлигини дарҳол товар билан таъминлаш қийин бўлди. Натижада, табиийки, пулларнинг бир қисми аҳоли қўлида тўпланиб қолади, Марказий банк эса иқтисодиёт талабларига амал қилиб, товар билан таъминланмаган янги-янги пулларни муомалага чиқаришга мажбур бўлади. Шу тариқа инфляциянинг яна бир босқичи бошланади. Бундай пулларни муомалага жалб қилиш йўли борми? Ҳа, бор! Инсоният ушбу вазифани ҳал қилиш йўли қимматбаҳо қоғозлар чиқаришдан иборат эканини аллақачон англаб етган ва бу соҳада ажиб бир хилма-хилликка эришган. Равшанки, бунда энг асосий ролни давлат ўйнайди. У давлатнинг қарз мажбуриятларини ёки, бошқача қилиб айтганда, облигацияларни чиқариш йўли билан нақд пуллар хазинага келиб тушишини таъминлайди. Ҳамдўстликдаги бир қанча давлатларда, шу жумладан Россияда ҳам, фоиз ставкалари талаб ва таклифга қараб белгиланадиган, уч ойда қайтариб бериладиган қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш йўлга қўйилган. Давлат қимматбаҳо қоғозлари бозори ривожланганги ва уларга бўлган талаб ўсгани сари тўлаш муддати анча узоқ бўлган қимматбаҳо қоғозлар чиқаришни режалаштириш мумкин.

Қимматбаҳо қоғозларга эгасининг бевосита мулкдаги улушини кўрсатувчи қимматбаҳо қоғозлар (акциялар) ҳам, қарзнинг асосий суммасини келажакда маълум фоиз ставкаси билан қайтариб бериш мажбуриятини билдирувчи қарздорлик қимматбаҳо қоғозлари (облигациялар) ҳам киради. Бундан ташқари, банкларнинг қимматбаҳо қоғозлари (депозит ва жамғарма сертификатлари), товар оборот жараёнига ҳамда мулк юзасидан тузиладиган битимларга хизмат қилувчи тижорат қоғозлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.) мавжуд.

— Ўзбекистонда ҳозирги кунда ҳаммадан кўп тарқалган қимматбаҳо қоғоз турларини айтиб берсангиз.

— Мен республикадаги нуфузли газеталардан бирининг акциялар — иқтисодиёт қанотларидир, деган фикрига тамомила қўшиламан, бугунги кунда ана шу акциялар Ўзбекистонда энг кўп тарқалган қимматбаҳо қоғозлардир. Акциялар, биринчидан, корхоналар ва ташкилотларга банк кредитларидан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқаришни ва моддий техника базасини ривожлантириш учун пул маблағларини жалб этиш имконини беради. Чунки,банк инфляция шароитида кредитни қисқа муддатга ҳамда инфляция даражасидан юқори бўлган катта фоиз ҳисобига беришга мажбур, сотиб олинган акция эса қўшимча даромад манбаи сифатида аҳоли учун маълум даражада манфаатлидир. Инфляция даражасини пасайтириб борган сари, бизнинг республикамизда эса у камая бошлади ва июль ойида 8,3 фоизни ташкил этди, акцияларга бўлган қизиқиш анча ошади, деб умид қиламан. Бундан ташқари, қимматбаҳо қоғозларга эга бўлиш фуқароларга муайян ишлаб чиқариш соҳасини бошқаришда реал қатнашиш имконини беради, яъни мулкка хусусий эгалик қилишни назарда тутади. Юқорида айтганимдек, биз катта йўлнинг энг бошида турибмиз: уни узоқ масофага югуриш билан таққослаш мумкин. Бу югуриш қатнашчилари, мусобақа шартлари ва тартиби аниқланган, ютуқ эса энг сергайрат, чидамли ва тадбиркор кишининг қўлида кетади.

— Ҳамдўстликка кирувчи кўпгина давлатлар иқтисодиёти ўзаро тўловлар амалга оширилаётганлиги сабабли жуда оғир тангликни бошидан кечирмоқда. Мен маҳсулот етказиб берувчига қарздорман, у эса, ўз навбатида, бирга ишлайдиган шеригидан қарздор, шерик эса учинчи бир кишидан қарздор, шу тариқа ҳеч кимда пул йўқ. Ана шу муаммони қимматбаҳо қоғозлар воситасида ҳал қилса бўладими?

— Ҳа. Эътиборингизни қимматбаҳо тижорат қоғози — банк векселига қаратмоқчиман. Бу векселдан кўплар савдо-сотиқ чоғида ҳисоб-китоб воситаси сифатида пул ўрнига фойдаланиб келишган ва ҳозир ҳам фойдаланишмоқда. Тижорат вексели товар оборот жараёнига ва мол-мулк юзасидан амалга оширилади муайян битимларга хизмат қилади. Анъанавий бўлиб қолган нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланишга қараганда вексель ёрдамида ҳисоб-китоблар анча оператив амалга оширилади. Республика Марказий банки вексель муомаласи ҳақида низом ишлаб чиқмоқда. Векселлардан фойдаланиш, тўланмай қолган катта ҳажмдаги қарзларни қўшимча молиявий маблағлар жалб қилинмаган ҳолда тугатиш вазифасини бирмунча енгиллаштиради. Ишлаб чиқариш соҳасига ҳам анча осон бўлади, чунки унинг қарз сўраб маъмуриятларга ҳам, тижорат банкларига мурожаат қилишига зарурат қолмайди, демак, кредитлар бўйича фоиз тўлашга ҳам тўғри келмайди.

Филиаллар тармоғи ҳамда вакиллик муносабатлари тармоғи анча ривожланган бир шароитда векселларни ҳисобга олиш ва ҳақини тўлаш муддатларини жуда ҳам қисқартириш мумкин. Узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган халқаро ҳисоб-китобларда векселларнинг қўлланиши вексель муаммоси тизимини барпо этишни ёқлайдиган яна бир далилдир. Бундан ташқари, векселларнинг иккиламчи бозордаги айланиш имкониятлари анча юқори бўлади.

— Сизнингча, яқин орада Ўзбекистонда қимматбаҳо қоғозларнинг яна қандай турлари ривож топади?

— Банкларнинг қимматбаҳо қоғозлари — депозит ва жамғарма сертификатлари республиканинг қимматбаҳо қоғозлар бозорида анча муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз. Бу ҳол уларнинг ишончлиги, харидорлар учун қулайлиги, гаровлик хусусиятлари ҳамда муомала қилиш осонлиги билан боғлиқдир. Республикада банкларнинг қоғозсиз депозит сертификатларини чиқариш назарда тутилмоқда. Ҳозир биз жиддий тайёргарлик ишларини олиб боряпмиз ва умид қиламанки, бу ишнинг охири хайрли бўлади.

— Қимматбаҳо қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозори ўртасидаги фарқни тушунтириб берсангиз.

— Муомалага чиқарилиб, биринчи эгаларига сотилган акциялар, облигациялар, сертификатлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бирламчи бозордир. Уларни, шунингдек, биржадан ташқари иккиламчи бозорда ёки амал қилиши учун тегишли шароитлар яратилган тақдирда фонд биржасида айирбошлаш, сотиш, сотиб олиш мумкин. Бизнинг республикамизда фонд биржаси ташкил этилган бўлиб, у, аминманки, маҳкам оёққа туриб олади ва ўз ўрнини эгаллайди.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, биз маърифий бозор муносабатлари сари ҳаракат бошладик. Ҳар қандай янги ишда бўлганидек, аста-секин, эҳтиёткорона қадам ташлаяпмиз. Кўп вақт ўтмай, иқтисодиёт либераллашгач, қимматбаҳо қоғозлар бозори ва у билан бирга Марказий банкнинг қимматбаҳо қоғозлари бошқармаси ҳам янада ривожланиб кетади. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

(ЎзА).

АЛОҚА ВОСИТАЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ТИЖОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа корхоналари раҳбарлари диққатига!

Тошкент "Промсвязь" заводи Тошкентдаги омборида ускуна ва буюмларнинг арзонлаштирилган нархларда савдо ўтказади:

1. ПКПЭ-АОН рақамларни аниқловчи аппаратларни электрон комплекс текширадиган пульт.
2. Халқаро сўзлашувлар вақтини электрон рўйхатга олувчи РВ-МК (электромеханик тури билан алмашувчи).
3. Якка нурли таъминот трансформатор подстанцияси аппарати ТПО (яқин атроф, музофот ва туман марказлари радио тармоқларида хизмат).
4. Шундай ТПО-V (ТПО га ўхшаш II ва III дастурлари кучайтирилган).
5. ККЗ оқим ҳимоя қутиси (алоқа иншоотларининг хавфли кучланиш ва токлардан ҳимояси).
6. УПК-2М пневматик коммутация қурилмаси (иккита алоқа кабели ва кучли ҳаво босими остида сақланаётган кучайтирувчи контейнерни улаш учун).
7. Келаётган буюртмаларни қабул қилиб, тартибга солувчи ПРИЗ аппарати (халқаро сўзлашувга буюртма қабул қилишни тез тартибга солишниуюштириш учун).
8. РВ-1000 вентилли разрядник (алоқа ускуналарини хавфли кучланишлардан ҳимоялаш).
9. СУ-Р1 келиштирувчи қурилма (қўшметалли РМДни кабелдан ясалган МРМ ёки ПРППМ қўшимчаси билан келиштириш).
10. АТО автотрансформатор тармоғи (РФЛ асосий кучланиш тармоғининг кириш қаршилигини кўпайтириш).
11. СН-430, СН-560 ни келиштирувчи юклама (РФЛ биометали юкламани ва узунлиги 250 метрдан зиёд тармоқни сигнал манбаи билан келиштириш).
12. Шундай ТН-730 (РФЛ пўлат юклама ва узунлиги 250 метрдан зиёд тармоқни сигнал манбаи билан келиштириш).
13. СБП, СПЦ қурилмалар мажмуи (турли АТСларнинг коммутация блокларида алоқа занжирининг мавжудлигини текшириш учун).
14. РНР-2 сурилма ноузатма рольганг (посилка ва бойламларни транспортдан тўплагич ва иш жойларига кўчириш учун).

Ўзингизга зарур бўлган буюм ва аппаратларини сотиб олинг!
Ҳақ тўлаш - ихтиёрий. Маблағ келиб тушиши билан олиб кетишингиз мумкин.
Манзил: 700081, Тошкент ш., Гавҳар кўчаси, 125.
Алоқа учун телефон: 76-61-92.
"ПРОМСВЯЗЬ" ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида шу йилнинг 1 сентябрида мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ташкилий-техник ёрдам ҳамда маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича энг яхши таклифлар учун халқаро тендер ўтказиш якунланди. Республика хукумати ривожлаштириш ва тиклантириш халқаро Банки кредити ҳисобидан ажратган 1 млн. АҚШ доллари ва Япония гранти бўлмиш 1 млн. АҚШ доллари (жами 2 млн. АҚШ доллари) учун конкурс ғолиби 10 йиллик давр ичидаги Ўзбекистон электралоқа воситаларини тубдан ўзгартириш стратегияси тўғрисида кенг миқёсда таклифлар киритиши лозимдир. Таклифларда қўйидаги асосий вазифалар бўйича тавсиялар бўлмоғи шарт:

1. Ўзбекистон алоқа тармоқларини такомиллаштириш.
2. Алоқа вазирлиги томонидан бошқарув усуллари ва йўналишини ишлаб чиқиш.
3. Қайта қуриш ва тижорат асосига ўтишни ташкил этиш.
4. Такомиллаштиришни амалга оширишда вазирлик раҳбариятига ёрдам кўрсатиш.

Олдиндан ўтказилган тендерда қатнашганлардан 6 фирма ва ташкилотнинг таклифлари танлаб олинди: "KPMG Peat Marwick" ва "Cooper & Lybrand" (Буюк Британия), "DETECON" (Олмония), "NTT International" (Япония), "Nepostel Consultancy" (Голландия) ва Халқаро Электралоқа Иттифоқи (ХЭИ).

Мутахассислардан тузилган махсус комиссия топширилган таклифларни баҳолаб, улардан талабларга жавоб берувчи биттасини танлаб олади, ғолиб чиққан фирма 7-9 ой ичида Ўзбекистоннинг электралоқа воситаларини такомиллаштириш тўғрисидаги тўла ишлаб чиқилган дастурни тайёрлайди, бунинг учун давлатимиз ва маҳаллий ҳокимият органлари кўмаги талаб этилади, шу билан бирга хориждан сармоядорлар маблағларини жалб этиш ва республиканинг маъмур субъектларининг ҳиссадорлик иштироки заруратдан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги.

• Спорт

КАРАТЭЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Мамлакатимизнинг барча шаҳарларида мустақиллик шарафига бағишланиб турли хил спорт мусобақалари ўтказилаяпти. Улардан бири пойтахтимиздаги МҲСК спорт саройида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар каратэ-до федерациясининг ташаббуси билан ўтказилган шаҳар очиқ биринчилигида республикамизнинг турли шаҳарларидан 12 та жамоа қатнашди.

Кўргазмали чиқишлар бўйича 3-ДАН қора белбоғ соҳиби, "Сиёвуш" жамоасининг бош мураббийси Хўжакул Хўжақулов ғолиб чиқди. Яккама-якка беллашувларида наманганликлар етти марта ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди. Улар орасида Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган дунё биринчилигида ўзидан 50 килограмм оғир вазндаги америкалик спортчини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлган Шерзод Тожибоевнинг чиқишлари яна барчада яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, пойтахт спортчиларидан В. Черняк (12 ёш), Б. Ҳайитов (14 ёш, 45 кг), Д. Тўраев (16 ёш, 60 кг), И. Ойназаров (18 ёш, 55 кг), ангренликлардан Рўзматов (16 ёш, 50 кг), А. Ғозиев (18 ёш, 65 кг) Тошкент очиқ биринчилигининг ғолиблари бўлишди.

Катталар баҳсида ангренликлар Д. Климков (65 кг), В. Кравцов (75 кг), наманганлик А. Абдулҳайф (60 кг) ва тошкентлик С. Потопатов (70 кг) мусобақада энг юқори поғоналарга кўтарилишди.

Пойтахтимизда бошқа спорт турлари бўйича ҳам байрам шарафига турли хил мусобақалар ўтказиляпти.

Расул ЖУМАЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Олмалар пишганда келинг.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• Бу турфа олам

ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЗИЛ

"Бола сотиб олишни хоҳлайсизми, бор-йўғи минг доллар". Тўрт ойлик ғўдакни ушлаб турган кишининг юқоридаги таклифига Нью-Йорк метроси йўловчиларидан ҳеч ким эътибор қилмади.

Ер остида "савдо"си юришмаган 37 ёшли Винсент Слайт шундан сўнг ўз омадини шаҳарнинг машҳур ресторанларидан бирининг олдида синаб кўрмоқчи бўлди. Лекин... Ресторан олдидан ўтиб кетаётганлардан бири бу ҳодиса ҳақида полицияни огоҳлантирди. Сўровда маълум бўлишича, ғўдак Винсентнинг ўз пушти камаридан бўлган зурриёди экан. Слайт ҳодисани "шунчаки ҳазил эди", дея изоҳлади. Қонун эса уни қамоққа жўнатди.

Ўзбекистон бозорларидаги газмолларнинг энг йирик таъминотчиси

a
Abdullah's®

Abdullah group of companies
Абдулла компанияси гуруҳи

Манзилгоҳимиз:
Тошкент, Глинка кўчаси-11 уй.
Телефонлар: 54-87-47, 54-87-88.
Факс: 54-89-53.

Биз янги алоқа ришталарини яратдик!
Диалог-Оптим
қуйидагиларни амалга оширади:

- Украина, Беларусь, Молдова, Қозоғистон, Латвия, Эстония ва Литва ўртасидаги шошилинч тўловлар;
- мазкур республикаларнинг корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар;
- Ўзбекистон ва Туркманистонга ўтказиладиган тўловлар.

Коэффициентлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар куни "Комсомольская правда" газетасидан ва Москва шаҳридаги (095) 335-07-88, 335-71-11, 330-78-55 ва 330-32-50 (кечаю-кундуз); Днепропетровск шаҳридаги (0562) 41-20-17, 93-60-65; Рига шаҳридаги (0132) 32-75-11 телефонлари, 32-50-19 факси орқали билиб олишингиз мумкин.

Тошкент давлат техника университети ректорати, касаба уюшмаси ва 3-олий математика кафедра жамоаси кафедра доценти Боймуродов Исмоилга рафиқаси **БОЙМУРОДОВА ДИЛОРОМХОНнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар республика радиоси жамоаси режалаштириш бўлимининг катта муҳаррири Аъзамова Муҳаббатга отаси **Жалил АЪЗАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари саноатда бухгалтерия ва иқтисодий таҳлил кафедраси доценти Боқижон Файзиевга онаси **Ҳикоят ФАЙЗИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш "Ўзқурилишматериаллари" концерни жамоаси қурилиш материаллари саноатининг собиқ вазири **Абдусаттор КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев, навбатчи — Б. Остонақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №0001 Буюртма Г. – 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А – 2 Босишга топширилди — 02.15.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти — 21.00. 1 2 3 4 5 6